

PAPER

РОССИЯ ВА ХИВА ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИ: МАНБАЛАР ВА ТАРИХШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

Эримматова Гулноза Азимбой қизи¹, *

¹ Мустақил тадқиқотчи, ўқитувчи, Урганч давлат университети, Урганч

* gerimmatova@mail.com

Abstract

Мақолада XVII–XIX асрларда Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги иқтисодий муносабатлар тарихи манбалар ва тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

Key words: А.Семенов, В.А.Перовский, Россия, А.Веригин, Ф.Берг, Оллоқулихон, Ф.И.Базилер, топограф Г.Н. Зеленин, Авлиёота, Пишكال.

Кириш

XVII–XIX асрларда Россия ва Хива хонлиги ўртасидаги муносабатлар нафақат сиёсий ёки ҳарбий йўналишда, балки кенг иқтисодий ҳамкорлик жараёнлари орқали ҳам намоён бўлган. Бу муносабатлар икки давлат тарихида муҳим аҳамият касб этиб, Марказий Осиёдаги геосиёсий мувозанатни белгилаб берган омиллардан бирига айланган. Россия бу даврда ўз саноатини хомашё билан таъминлаш, савдо бозорларини кенгайтириш ва Ҳиндистон ҳамда Хитой йўналишларига чиқиш имкониятларини излаган бўлса, Хива хонлиги эса ташқи савдо алоқалари орқали иқтисодий барқарорликни мустаҳкам-

лашга интилиб келган.

Н.Муравьев маълумотларини эътиборга олган рус ҳукумати XIX асргач Хива хонлиги билан савдо алоқалари ўзаро ҳамкорлик асосида олиб борилган бўлса, эндиликда ҳарбий соҳа ҳам, қурилган. Мазкур тарихий жараённи ўрганиш мақсадида ҳарбий зобитлар раҳбарлигида дипломатик массивлар юборилиши бошланган, улар зиммасига Хива хонлиги Россия таркибига қўшилиши, савдо алоқаларида манфаатлар мувозанати Россия фойдасига ўзгариши кузатилади.

А.Семенов, В.А.Перовскийнинг Хива хонлигига қарши “Қишқи юриши” савдо алоқадан узоқда бўлса ҳам, унинг Устюрт худуди Росси-

Compiled on: January 4, 2026.

Copyright: ©2025 by the authors. Submitted to *Advances in Science and Humanities* for possible open access publication under the terms and conditions of the [Creative Commons Attribution \(CC BY\) 4.0 license](https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/).

яга борадиган халқаро карвон йули сифатида қайд қилган эди[1]. Россиянинг Хива ва Бухоро давлатлари ҳисобига географик ҳудудни кенгайтиришга омил бўлган вазиятга 1826-1839 йилларда Ҳиндистонда сиёсий ҳукмронликка эга бўлган инглиз қўшинининг Афғонистонга бостириб кириш муносабати билан, уларнинг ўзбек хонликларига бўлган таъсирини олдини олиш бўлган.

Тадқиқот методологияси қуйидагилар қилиб белгилаб олинди.

Илмий ҳолислик, тарихий – хронологик изчиллик, назарий-қийёсий таҳлил, мунозара, умумлаштириш, якуний хулоса, археология, этнография, география фанлари ютуқларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

А.Веригин, Ф.Берг нашрларида тарихий маълумотларни инобатга олган Н.Халфин Россия билан Устюрт орқали савдо алоқаларни олиб бориши ноқулайлиги (кенг географик дашт эътиборга олинган) ни қайд қилиб, Каспий денгизи шарқий соҳили-Астрахан орқали қулайликка қайд қилган эди[2]. Лекин, Россиянинг ўзбек хонликларини Хивани босиб олиш қулай йўллари излаш давом этди. Чунки, Бекович Черкасский ва В.А. Перовский муваффақиятсиз юришлари хотирадан кўтарилмаган эди. Шу билан Н.Халфин Бухоро давлатининг Александр I га юборилган мактубида Россия учун энг қулай савдо йули Оренбург-Ташкент-Хитой-Ҳиндистон йули афзаллиги ҳақида фикрига эътиборга қаратган эди[3].

1836 йилда Г.Какелин бошчилигида уюштирилган экспедиция Хива-Эрон-Афғонистон савдо йулини текшириш топширилган, экспедиция Эрон-Хива ва Бухоро оралиғида ҳудуд савдо йули дашт ва сув имконияти йўқлиги қайд қилинган[4]. Архив манбаларга қараганда Россия ҳукуматида Хивага қарши юришнинг Сирдарё орқали олиб бориши, буни амалга ошириш мақсадида ҳарбий қалъалар қурилиш режалари ишлаб чиқилган[5]. Шу тариқа XIX аср бошларида Россиянинг ўзбек хонликларини босиб олиш турли йўллари режалари ишлаб чиқилган. 1841 йилда Хивага келган Никифиров раҳбарлигида элчилар олдинга қўйилган вазифа-

лардан бири рус савдогарлари хонлик бозорларида махсулотларини савдо қилишга рухсат бериш, уларнинг ҳуқуқи ва мулкини ҳимоя қилиши, рус савдогарларидан олинадиган божни, маҳаллий савдо чоралари билан бир хил қилиш, руслар хонликда Россия марказига воқеаларни етказиб туриш бўлган, лекин Оллоқулихон томонидан рад қилинган[6]. 1843 йилда Хивага келган Г.И.Данилевский ҳам бир қатор таклифлар билан келган, яъни Россия Хива беғараз дўст эканлигини ишонтириш, хонликдаги вазият иқтисодий ахволи, савдо алоқаларини олиб бориб, уни янада ривожлантириш каби бир қатор масалалар қайд қилинган. Шу билан бирга, Россияга қарши душманлик руҳида бўлмаслиги, Каспий денгизи атрофида босқинчилик ва талончилик ишлари олиб бормаслик, агар талончилик қилинган бўлса, олган молларини қайтариб бериш кабилар илгари сурилган.

1853-1854 йилларда Россия Қора ва Ўрта ер денгизи орқали дунё бозорига чиқиш вазифасини амалга ошириш мақсадида ташқи сиёсатда “Шарқ” ғарбий сиёсатини олиб боришни бошлаб, Туркия давлати билан уруш бошлаган, аммо Англия ва Франция давлатлари бирлашган кучларга қарши курашишга тўғри келди натижада Россия ҳарбий мағлубиятга учрагандан ташқи сиёсатнинг асосий йуналиши ўзбек давлатларини босиб олиши асосий бўлиб қолган эди. 1710 йилда Фарғона водийсида минглар сулоласи вакиллари бошқарган Қўқон хонлиги ҳудудида жойлашган Авлиёота, Пишқал, Тўқмоқ Жамбул шаҳарларда ҳарбий кучларни тўплаган эди. Шу муносабат билан Қўқон давлати Кенесари Қосимовнинг ўғли Султон Содиқ бошчилигида 2000 кишилик қўшини Верний шаҳарига жўнатилган, аммо Қўқон қўшинлари Узунёғоч деган жойда Рус қўшинлардан зарбага учраган 1861-1865 йилларда Шимолий Америкада (жануб билан) фуқаролар уруши бошланганлиги сабаб, пахта маҳсулотлари Россияга келмай қолган, Россияда Шуя, Владимир шаҳарларида фабрикалар пахта хом-ашёси зарур эди. Вужудга келган иқтисодий танқисликнинг ечимини топиш учун Россия ўзбек хонликларини босиб олиш ҳисобига хал қилиш хулосага келган. Тарихий маълумотларга кўра, ўзбек хонли-

кларда Россияга 1861 йилда 152 минг пуд, 1862 йилда 405 минг пуд, 1863 йилда 495 минг пуд. 1804 йилда 704 пуд пахта келтирилган[7]

XIX аср иккинчи ярмига келганда Россиядан турли касбга эга бўлган мутахассислар Хива хонлигига юборилган эди. Табиатшунос Ф.И.Базилер, топограф Г.Н. Зеленин харитасидан фарқланувчи харитада Ичанқала ва Дишан қалъаларни топографик тўғри жойлашини батафсил қайд қилган[8]

Россия асосий эътиборни Қора денгизни қўлга киритиб, Ўрта ер денгизи орқали Атлантика океанига чиқиш учун Туркия билан урушни олиб бориш кун тартибига тушган эди. Шунингдек Қизил денгиз орқали Хинд океанига чиқиб, халқаро савдо йулига чиқиш режаси ишлаб чиқилган эди. Бу Россиянинг сиёсий тарихида “Шарқ” сиёсати тарихий адабиётларда ўрин олган. Шу мақсадда 1853-1854 йилларда Халқаро муносабатлар тарихида Россия-Туркия уруши ўрин олган. Мазкур тарихий даврда Туркия катта худудни эгаллаган, иқтисодий ва харбий жиҳатидан қудратли давлатга айланган эди. Мазкур уруш натижалари Туркия фойдасига хал бўлган эди, чунки Англия ва Франция давлатлари Туркия томонидан урушга кирган эди. Россия-Туркия ўртасида тинчлик шартномаси Париж шаҳрида тузилган эди[9]. Россия Қрим урушида Туркия-Англия-Франция қўшинлари ҳамкорлигида харбий ҳаракатларда енгилгандан кейин асосий эътиборни ўзбек хонликлари томон ташқи сиёсатни асосий йуналишни қаратган.

1858 йилда Хивага келган полковник И.Игнатъев раҳбарлигида дипломатик гуруҳ олдида бажарадиган вазифа Хива, Бухоро Қизилқум географик шароити тўғрисида кенг маълумотлар тўплаш, харбий соҳа ходимлари эса топографлар томонидан ишлаб чиқилган харитани яхшилаб текшириб чиқиб, борадиган йўл йуналишини аниқлаш вазифаси топширилган[10]. Россия билан Хива хонлиги ўртасида иқтисодий алоқаларни олиб ёборишида Амударё соҳили этагига уланган худудда жойлашган Кат шаҳари тўғрисида В.В.Григорьев асарида “Кат” Шовотдан 15 чақирим пастроқда канал бўйида қурилган. Шаҳарда 2 та масжид, 1500 га яқин аҳоли истиқомат қилади, савдо шаҳар[11].

1863 йилда А.Вамбери Маккадан Хива хонлиги худудида жойлашган савдо йулида жойлашган аҳоли марказлари Янги Урганч, - Гурлан-Кат алоқа йулларини қайд қилган[12].

XIX аср 60 йил бошидан бошлаб, ўзбек хонликларини босиб олиш йули аниқлаб олинди. Рус давлати харбий харкатларни олиб бориш йуналиши Сибир линияси қилиб белгилади. (Чунки 1839 йилги Хива қарши “Қишки” харбий харакат натижасиз бўлганлиги эсланди. Россия харбий харкатларни Қўқон хонлиги худудини босиб олишдан бошланган эди, чунки хонлик худуди Россия худудига текислик Қозоғистон худудлари (жанубий қисми) Қўқон хонлиги ихтиёрида бўлиб, унинг таъсир доирасига Пишлақ, Туқмоқ, Сузак аҳоли пунктлари, 1864 йилда Чимкент, 1865 йилда Тошкент шаҳарлари босиб олинган. Шу тариқа, рус давлатининг Бухоро ва Хива давлатларини босиб олиш таянч пунктлари таркиб топди, хусусан Тошкент Ўрта Осиё худудини босиб олиш таянч маркази бўлиб қолган.

1867 йилда Бухоро амирлиги Россия томонидан босиб олиниши рус дипломатик миссиялари томонидан қайд қилинган йул харитасидан фойдаланилган. Бухоро амири Музаффар Кауфман билан келишув шартномаси тузилиб, шу асосда географик кенглик харбий харакатлар натижасида Россия худуди Қўқон ва Бухоро давлатлари ҳисобига кенгайган. Бухоро воҳсининг босиб олиниши Хива хонлигини босиб олинишига замин бўлган. Лекин Россиянинг Хива хонлигини босиб олиши учун мураккаб ва ўта қийин Қизилқум саҳроси турар эди. 1867 йилда ташкил қилинган Туркистон генерал-губернаторлиги Хива хонлигини босиб олишнинг уч йули орқали харбий харакатларни бошлаб юборган.

1-йул. Тошкент – Самарқанд – Кармана-Бухоро-Варахша-Қизилқум.-Уч ўчоқ-Сепая йули (раҳбари П.Кауфман.

2-йул йуналиши- Устюрт – Қўнғирот – Хўжайли – Манғит – Гурлан-Шаҳобод – Хива (раҳбари Веревкин.

3-йуналиш. Кавказ-Каспий денгизи – Красноводск – Порсу – Бўлдимсоз-Тошхавуз-Тахта-Қўшқупир-Хива (Г.Н.Тармасов). 1873 йилда Хива хонлиги ва Россия ўртасида тузилган Ган-

димионда имзоланган сулҳ шартномасига кўра, Амударё ўнг соҳили худуди Амударё бўлими ташкил қилиниш муносабати билан Россия худудига қўшиб олинди, сўл соҳил Хива хонлиги худуди Россия таъсирига ўтказилди[13].

Россия Хива хонлигини босиб олгандан кейин Хива хонлиги географик ўринда мавжуд бўлган имкониятни аниқлаш сиёсати амалга оширилган. Шу мақсадда турли фан соҳаларини яхши билган мутахассисларни юборишни бошлаган. Иқтисодий муносабатлар сиёсий мазмундан устунлиги бошланган. О.Шкапский асарида қайд қилинишича, Хива хонлигида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш масалаларига кенг ўрин берилган[14]. Албатта бу сиёсат Хоразмнинг сернам ва серунум қулай текисликда олинадиган маҳсулот Россия манфаатига хизмат қилдириш бўлган[15]. Россия Хива хонлигини турли соҳаларини ривожлантириш мақсадида турли касбни ўзлаштириб олган мутахассисларни юборишни бошлаб, 90 йиллардан бошлаб устунлиги кўзга ташланади.

1867 йилда Россия томонидан босиб олинган худудларни бошқариш мақсадида Туркистон генерал-губернатори ташкил қилинди. Бухоро ва Хива хонликлари Туркистон генерал-губернаторлиги устунлик мавжуд бўлган. Сибир савдо йулига Россиядан нисбатан олиб келинган маҳсулотлар. Россия Хива хонлигини босиб олингандан кейин ўз табиий ресурсларни ўз фойдасига хизмат қилдириш мақсадида махсус билимга эга бўлган мутахассисларни юборишни бошлаган. Жумладан: А. Л. Кун, А.В. Каульбарс, М.И.Богданов, Барбат Де Марни, А.Е.Россикова, А.М.Герасимовский, А.Д.Архангельский, Хива хонлиги ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, тупроқ тузилиши соҳаларини текшириш, унинг натижаларини тезда қўлга кириши Россия мустамлакачилик сиёсати асосий мазмунини ташкил қилган[16].

Хулоса

Хулоса сифатида қуйидагилар қайд қилиниш имконияти вужудга келган:

Н.А.Димо асарларида тарихий маълумотлар. Юқорида қайд қилинган тарихий маълумотлар қуйидаги якуний хулосани қайд қилиш жоиз:

-XVI асрдан –XVIII аср бошларида Россия-Хива хонлиги ўртасида дипломатик ва иқтисодий алоқалар манфаатлар тенг худудлик асосида олиб борилган;

- XVI аср бирин ярмидан бошлаб икки давлат ўртасида дипломатик ва иқтисодий алоқалар Россия манфаатларига хизмат қилишни бошлаган.

- XIX аср 20 йилларидан бошлаб Россия давлати ташқи сиёсатида Хива хонлигини дипломатик муносабатларда мажбурий ва ҳарбий йул билан таркибига қўшиб олиш сиёсати устунлик қилган.

- XIX аср 40 йилларидан бошлаб, Россия ташқи сиёсатида Хива хонлигига борадиган йулларни излаб топиш ҳаракатлари бошланган, бу ишни амалга ошириш учун топографик мутахассисларни юбориш бошланган, ҳамда Хива хонлиги худуд харитаси ишлаб чиқилиб, рус худудига топширилган.

XIX аср 50-60 йилидан бошлаб, Россия ўзбек хонликларида тарихий вазиятни назарга олиб, ҳарбий ҳаракатлар Сибир линияси орқали Қўқон, кейинчалик Бухоро ва Хива хонликлари босиб олиниб Туркистон губернаторлиги ташкил қилиниб, Бухоро ва Хива давлатлари мустақил сифатида ҳаракат қилди, Россия назорати ўрнатилди. Хива хонлиги худуди ўнг соҳилида Амударё бўлими ташкил қилиниб, унинг Хива хонлигида назорат ўрнатилган.

- Россия Хива хонлигини босиб олгандан кейин, аҳоли томонидан яратилган бойликларни марказга олиб кетиш, худуд бойлигини ўз манфаатларига хизмат қилдириш ички сиёсатида устувор йуналиш бўлиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Семенов А. Изучение исторических сведений о Российской внешней торговле и промышленности со середины XVIII столетия по 1858 г. М-Наука, 1979. Часть-2-С 256.
2. Халфин Н. Россия и Ханства Средней Азии-М:Наука, 1974-С.213.
3. Халфин Н. Кўр.асар. С-213.
4. Путешествие Г.С. Карелика по Каспийскому морю //Записки Императорского русского

- географического общества-СПб, 1883. Т.10-С 165.
5. Серебренников А.Г. Туркестанский край. Материалы по истории завоеваний Туркестан края-Ташкент. 1914-Т.7-С 155-156.
 6. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии (XVI- середина XIX в /М. Из. Вост литература . 1958- С 161-162.
 7. Ўзбекистон тарихи-Тошкент. 1957.Т-1.Иккинчи китоб.-Б. 31-98.
 8. Данилевский Г.И. Описание Хивинского ханства //Записки императорского Русского географического общества-СПб. 1891 Кн. V- С 124-125.
 9. Фринкель Кэролайн. История Османской империи-М; Астрель 2012-С 627.
 10. Игнатъев Н. Миссия в Хиву и Бухару в 1958 года Фригель адъютанта полковника Н.Игнатъева-СПб1879-С 148.
 11. Григорьев В.В. Описание Хивинского ханства и дороги туда из Сарайчиковой крепости // ЗрГО. Кн. 2 СПб, 1951-С. 118-128.
 12. Озадаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар-Тошкент, 1960-Б. 78-85.
 13. Костеко Л. Город Хива в 1873 году-СПб. 1874-340 с. Кологривов Ю. Хивинский поход-СПб 1873 Изд. 2-245 С. Гродеков Н. Хивинский поход 1873 года. СПб. Рус старина 1883-65 с. Лобысевич Ф. Описание Хивинского похода 1873. СПб. 1898-277 С. Хорошин А.П. Воспоминание о Хиве //Туркестанское Военно-статическое описание Хивинского оазиса-Ташкент, 1903-214 с. Терентьев М.Ю. История завоевания Средней Азии – 214 С.
 14. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии-СПб, 1865. С. 168-169.
 15. Шкапский О. Как Хивинцы ведут полевое хозяйство на своих безводных землях-М, 1900-С 30.
 16. Кун А.Л. Культура оазиса Низовьев Амударьи // Материалы для статистики Туркестанская края-СПб, 1876. Вып- IV- С 250-275. Каульбарс А.В. Низовья Амударьи, Описание по собственным исследованиями в 1873 г. СПб-1881. Т. 3-С 5-45. Богданов М.Н. Очерки природы Хивинского оазиса и пустыни Кызылкум-Ташкент, 1881-С. 53-54. Иванов М.М. Хива и река Амударьи-СПб, 1885-. Вып-6-С 114-115. Россикова А.Е. По Амударье от Петро-Александровска до Нукуса // Исторический вестник-СПб, 1902. Т. 28-С 641-643. Герасимовский А.М. Древности Хивы и Амударьинский отдел // Исторический вестник-СПб, 1909-С. 971-973. Архангельский А.Д. Геологическая исследования в Низовьев Амударьи //Труды главного геологического управления ВСНХ-Л, 1931. Вып 12-С 72-109. Димо Н.А. Почвенные исследования в бассейне Р.Амударьи //Ежегодник отдела Земельных улучшений за 1913-1914 г. Часть 2-С 5-56.